



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: Info@xs.uz

2011 йил 17 март, № 53 (5220)

Пайшанба

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

ДЕМОКРАТИК ИСЛОХОТЛАРНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМА ЭТИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Депутатлар «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (78, 80, 93, 96 ва 98-моддаларига)»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳасини кўриб чиқдилар. Қонун лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислоҳ Каримов Олий Мажлис палаталарининг 2010 йил ноябрь ойидаги қўшма мажлисида илгари сурган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясига мувофиқ парламент муҳокамасига киритилди.

Ҳужжат Бош вазирни, мамлакатимиз бошқа ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларини лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод этиш тартибини, шунингдек, мамлакатимизнинг Олий Мажлис палаталари фаолияти регламентини белгиловчи бир қатор қонун ҳужжатларини Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан илгари қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (78, 80, 93, 96 ва 98-моддаларига)»ги Қонунга мувофиқлаштиришга қаратилган. Жумладан, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида»ги, «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштиришда ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги конституциявий қонунларга, «Прокуратура тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида»ги қонунлар ва бошқа бир қатор қонун ҳужжатларига тузатишлар киритилмоқда.

Муҳокама жараёнида барча сиёсий партиялар фракциялари ва Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар гуруҳининг вакиллари сўзга чиқдилар. Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг сайланган депутатлар таъкидладиларки, амалдаги қонунларга Бош вазир номзоди Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига сайловда энг кўп депутатлик ўринларини олган сиёсий партия ёки тенг кўрсаткич энг кўп депутатлик ўринларини кўлга

киритган бир неча сиёсий партия томонидан таклиф этилишига оид қондалар киритилаётгани давлат ҳокимияти ва бошқарув тизимини демократик янгиланишнинг муҳим босқичи бўлиб, кўп партиявийлик тизими ҳамда партияларaro рақобат ривожланишида муҳим омил бўлади.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракциялари аъзолари ривожланган демократик давлатларда кенг қўлланилаётган ҳуқуқатга нисбатан ишончсизлик вотиву институтига алоҳида эътибор қаратдилар. Улар таъкидладиларки, амалдаги қонун ҳужжатларига киритилаётган тузатишларга мувофиқ, Олий Мажлис ҳар иккала палатасининг ваколатлари мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг долзарб масалалари юзасидан Бош вазирнинг ҳисоботларини эшитиш ва муҳокама қилиш ҳуқуқи билан тўлдирилаётгани сиёсий партиялар фракцияларига ўз сайловчиларининг манфаатларини янада самарали ҳимоя қилиш ва жойлардаги мавжуд долзарб ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этиш, мамлакатни демократик янгилашга оид вазифаларни бажаришга фаол иштирок этиш имконини беради.

Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси вакиллари таъкидладиларки, мамлакатнинг бир қатор қонун ҳужжатларини «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (78, 80, 93, 96 ва 98-моддаларига)»ги Қонунга жадвал, тезкор ва энг асосийси, профессионал даражада мослаштириш жамиятда тўлақонли қонун устуворлигининг яна бир ифодаси бўлади.

Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар гуруҳининг вакиллари сўзга чиқдилар. Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг сайланган депутатлар таъкидладиларки, амалдаги қонунларга Бош вазир номзоди Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига сайловда энг кўп депутатлик ўринларини олган сиёсий партия ёки тенг кўрсаткич энг кўп депутатлик ўринларини кўлга

(Давоми 2-бетда).

КЎҲНА ВА БОҶИЙ ШАҲАР

Истиклол йилларида Бухоро улкан ўзгаришлар ва юксалиш заминига айланди.



Бугун жонажон Ўзбекистонимиз баҳор оғушида. Яшариш, янгиланиш айёмидан дилларда сурур. Зеро, Наврўз кўнгилларга қувонч, бахт, нурли умидларни етаклаб келаяпти. Юртимиздаги ҳар бир гўша — шаҳару қишлоқлар янада обод, янада кўркам қиёфага кирмоқда. Бунини қадимий ва навқирон Бухоро шаҳри мисолида ҳам яққол кўриш мумкин.



Мамлакатимиз мустақиллигининг 20 йиллиги олдида

Мана, «Кўҳна ва боқий Бухоро» маданий марказини олиб кўринг. Бевоситани Юртбошимизнинг гоёси ва ташаббуси билан барпо этилган, 107 гектар майдонни эгаллаган бу марказ Бухорога узукка кўз қўйгандек яради. 700 ўринли вилоят мусиқали драма театри биноси, икки минг томошабинга мўлжалланган амфитеатр, «Кўҳна ва боқий Бухоро» монументи, бу иншоотлар атрофида ноёб дарах кўчалари ўтказилиб, яратилган улкан боғ ҳар қандай кишини ҳайратга солиши, шубҳасиз. Айниқса, монумент марказидаги уч авлод — бахтиёр ёш оила — ота, она ва бола, ниҳол ўтказилган ота ва набира, уй қураётган ота ва ўғилнинг барелъфефи ҳайкаллари чуқур фалсафий маъно касб этгани билан эътиборни тортади. Дарҳақиқат, ҳаёт абадий, умримиз ўткинчи, фақат яхши, эзгу амалларгина мангуликка дахлдордир. Бинобарин, ҳар бир киши эзгулик этагидан тутмоғи, ёш авлоднинг, юртимизнинг келажагини уйламоғи зарур. Обидада номлари зарҳал ҳарфлар билан ёзилган буюк олим Абу Али ибн Сино, ҳадис



илмининг султони Имом Бухорий, тариқат алломалари Абдухалиқ Гиждувоний, Баҳоуддин Накшбанд, Хожа Ориф Ревғарий, адабиётимиз, маданияти- миз равнақиға катта ҳисса қўшган Аҳмад Дониш Фитрат ана шундай эзгу даъватлар билан яшаб ўтишган.

— Ўтган қисқа муддат ичида Бухорои шарифда шунчалар катта ўзгаришлар юз берибдики, дафъатан уни таниёлмай қоласиз, — дейди адабиётшунос олим, Самарқанд давлат университети профессори Хотам Умуров. — «Кўҳна ва бо-

(Давоми 2-бетда).

Олий Мажлис Сенатининг бешинчи ялпи мажлиси олдида

ҲОКИМИЯТЛАР ЎРТАСИДА ЎЗАРО ТИЙИБ ТУРИШ ВА МАНФААТЛАР МУВОЗАНАТИНИНГ САМАРАЛИ ТИЗИМИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ КАФОЛАТИ

Маълумки, парламент юқори палатасининг навбатдаги ялпи мажлисида «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (78, 80, 93, 96 ва 98-моддаларига)»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни муҳокама этилади. Президентимиз Ислоҳ Каримовнинг ўтган йили 12 ноябрда бўлиб ўтган Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» номи маърузасида илгари сурилган қонунчилик ташаббуслари асосида ишлаб чиқилган ва қабул қилинган мазкур Қонун **давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш соҳасидаги ислохотларни янада чуқурлаштиришда муҳим аҳамиятга эгадир.**

Дарҳақиқат, Концепцияда қайд этилганидек, мамлакатимизда давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш соҳасида амалга оширилган ислохотлар ўта муҳим бир макссадга, яъни ҳокимиятлар бўлиниши конституциявий принципини ҳаётга изчил татбиқ этиш, давлат ҳокимиятлари ўртасида ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанатининг самарали тизимини шакллантириш, марказда қонун чиқарувчи ва жойларда вакиллик орган-

ларининг ваколатлари ҳамда назорат вазифаларининг ролини кучайтириш, суд тизимини либераллаштириш ва унинг мустақиллигини таъминлаш бўйича гоёт долзарб чора-тадбирларни қўришга қаратилган эди. Шунингдек, мазкур даврда бошқарув соҳасини марказлаштиришни чеклаш, бу борадаги вазифаларнинг бир қисмини республика даражасидан вилоят, туман ва шаҳар миқёсига ўтказиш, Ўзбекистонда маҳаллий ўзини ўзи бошқариш-

нинг ноёб шакли бўлган маҳалла тизимини ривожлантириш масалаларига катта аҳамият қаратилди.

Бу ислохотлар циклида, албатта, миллий парламентни шакллантириш ва ривожлантириш бўйича амалга оширилган ишлар алоҳида аҳамият касб этди. Ушбу жараёнинг «Ўзбек модели»га таянилган ҳолда босқичма-босқич рўёбга чиқарилгани, жумладан, бир палатали парламент фаолияти асосида Ўзбекистон парламентининг

асослари яратилиб, ўзига хос аънава ва тажриба шакллантирилгани алоҳида эътирофга лойиқ. Бу, ўз навбатида, мамлакатимизда қонунчилик мақтабининг ривож топишида, қонун лойиҳаларини кенг муҳокамага қўйиш, амалдаги қонунларнинг янги тахрирларини яратишда янада яққол ифодасини топди.

Шу билан бирга, 2000 — 2010 йиллар мобайнида мамлакатимизда икки палатали парламент ташкил этиш ва шакллантириш бўйича жуда кенг миқёсли ҳуқуқий ва ташкилий ўзгаришлар амалга оширилди. Бу ислохотлар тизимида профессионал асосда иш олиб борувчи Қонунчилик палатаси ҳамда вакиллик органи — Сенатнинг ташкил этилгани муҳим ижтимоий-сиёсий воқеа бўлди.

(Давоми 2-бетда).

АХБОРОТ ВА СЎЗ ЭРКИНЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ЙЎЛИДА

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида белгиланган вазифаларнинг ижросини таъминлаш юзасидан ташкил этилган Ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш бўйича меъёрий ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш комиссиясининг мажлиси бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 14 январдаги Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясининг ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш бўйича амалга ошириладиган чора-тадбирларга оид фармойишда белгиланган вазифаларнинг ижроси билан боғлиқ масалалар атрофида муҳокама қилинди.

Бундан ташқари, «Телекоммуникациялар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги ҳамда оммавий ахборот воситалари, ахборот олиш имкониятини яратишга оид қатор қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш бўйича Ўзбекистон Республикаси қонунлари лойиҳаларининг тайёрланиш жараёнида кўриб чиқилди.

Илгиллида, шунингдек, ишлаб чиқилган қонун лойиҳалари бўйича жамоатчилик муҳокамаларини ташкил қилиш масаласи кўриб чиқилди. Эксперт гуруҳларга жамоатчилик муҳокамаларини қонун лойиҳаларини ишлаб чиқилган давлат органларининг расмий веб-сайтлари орқали амалга ошириб бориш, давра суҳбатлари ва конференциялар ташкил этиш, қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш жараёнида оммавий ахборот воситалари орқали ёритиш тавсия этилди.

(Давоми 2-бетда).

БАНКЛАР САРМОЯСИ

юртимизда ишбилармонлар сафи тобора кенгайишига хизмат қилмоқда

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг жадал суръатлар билан ривожланаётгани тўғрисидаги маълумотлар республикамиз ялпи ички маҳсулотидagi улуши тобора ортиб бораётган. Хусусан, ўтган йилда ялпи ички маҳсулотнинг 52,5 фоизи мазкур соҳа вакиллари ҳиссасига тўғри келган бўлса, жорий йилда бу кўрсаткич 54 фоизга етказиш режалаштирилган.

Дарҳақиқат, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик иқтисодийнинг тез ўзгарувчан бозор талабларига жавоб берадиган замонавий тузилмаларни шакллантириш ва янги иш ўринларини яратишда, шунингдек, аҳоли даромадларини оширишда муҳим ўрин тутаяди.

Анжуман

Бунинг учун, аввало, соҳанинг қонунчилик базасини такомиллаштириш зарур. Шу боис юртимизда истиклолнинг дастлабки йилларидан эътиборан тадбиркорликни тараққий эттиришга қаратилган кўплаб қонунлар амали-

ётга жорий қилинди ва ушбу йўналишдаги ишлар изчил давом эттирилмоқда.

Кеча пойтахтимизда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳамда «Микрокредитбанк» очиқ акциядорлик тижорат банки томонидан оммавий ахборот воситалари ходимлари учун «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини имтиёзли кредитлар билан таъминлаш борасидаги ишлар» мавзусида ташкил этилган матбуот анжуманида шулар ҳусусида сўз юритилди.

(Давоми 2-бетда).

Президент соврини учун аънавий ўтказилаётган «Ташаббус — 2011» кўрик-танловининг республика босқичи барча иштирокчиларининг номи маълум бўлди. Танловнинг Андижон вилояти ва Тошкент шаҳар босқичларида иштирок этганлар орасидан энг илгор мулкдорлар сараланиб, якуний босқичга йўлланиши кўлга киритилди.

ҲОКИМИЯТ ВА БОШҚАРУВИНИ ДЕМОКРАТЛАШТИРИШ СОҲАСИДАГИ ИСЛОХОТЛАРНИ ЯНАДА ЧУҚУРЛАШТИРИШДА МУҲИМ АҲАМИЯТГА ЭГАДИР.

Андижон. Президент соврини учун ўтказилаётган «Ташаббус — 2011» республика кўрик-танловининг Андижон вилояти босқичи бўлиб ўтди. Унда шаҳар ва туман миқёсида ғолиб чиққан 46 та тадбиркорлик субъекти ўзаро беллашди.

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилган алоҳида

эътибор тўғрисида Андижонда ҳам ишбилармонларнинг сафи йил сайин кенгайиб бораётганини кўриш мумкин.

«Ташаббус — 2011» гаймоқда. Биргина 2010 йилда 2869 та кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъекти рўйхатга олиниб, уларнинг жами сони 34 мингтага етгани бунинг исботидир.

Янги ишлаб чиқариш

қувватларининг ишга туширилиши, ўз навбатида, импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар тайёрлашни ўзлаштириш аҳоли бандлигини таъминлаш, қўшимча савдо шохобчаларини очишга хизмат қилапти. Яна бир муҳим жиҳати, тадбиркорларнинг аксарият қисми

(Давоми 2-бетда).

ДЕМОКРАТИК ИСЛОХОТЛАРНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМА ЭТИЛДИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Депутатларнинг фикрича, парламент назоратининг депутатлик сўрови, жамият ҳаётининг иқтисодий, ижтимоий, экологик ва бошқа соҳаларидаги ишлар аҳоли бўйича маҳаллий ижроия ҳокимият органлари раҳбарларини эшитиш каби шаклларида янада самарали фойдаланиш зарур. Хўжаликнинг атрофлича муҳокамаси вақтида баён этилган фикр-мулоҳазаларни инобатга олган ҳолда, Қонунчилик палатаси «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (78, 80, 93, 96 ва 98-моддаларига)»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (78, 80, 93, 96 ва 98-моддаларига)»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилди. Шундан кейин депутатлар

аҳоли ўртасида алкоғоль ва тамаки маҳсулотларини тарқатиши ҳамда истеъмол қилишни чеклаш бўйича чоралар белгиланган «Алкоғоль ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилиши ҳамда истеъмол қилинишни чеклаш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини муҳокама қилдилар.

Мамлакат қонун ҳужжатларида парламентга берилган ваколатларга мувофиқ, депутатлар сиёсий партияларнинг 2010 йилдаги ўз фаолиятини молиялаштириш манбалари тўғрисидаги ҳисоботларини кўриб чиқдилар. Ушбу масала юзасидан Тadbirkorлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси сиёсий кенгаши ижроия қўмитасининг раиси М. Тешабоев, Ўзбекистон Халқ демократик партияси марказий кенгашининг раиси Л. Фуломов, Ўзбекистон «Миллий тиклишни» демократик партияси марказий кенгаши ижроия қўмитасининг раиси А. Турсунов, Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси сиёсий кенгаши ижроия қўмитасининг раиси И. Саифназаров маъруза қилди.

Маърузачилар таъкидладиларки, давлатимизнинг, Ўзбекистон Республикасининг Президентининг мамлакатимизда кўп партиявий тизимни ривожлантириш ва мустақамлаш борасида кўрсатилган улкан эътибори ҳамда ғамхўрлиги туфайли сиёсий партияларнинг жамиятдаги роли ва таъсири кучайди. Мамлакатимизда сиёсий партияларни молиялаштиришнинг асосий принциплари қонунийлик, очиқлик, ошқоралик ва сиёсий партияларнинг тенг ҳуқуқлилигидан иборат. Партиялар ўз аъзолари ва жамоатчиликнинг партиянинг молиялаштирилишига доир маълумотлар билан танишини таъминлаб, фаолиятларини молиялаштириш шакли ва манбалари тўғрисидаги ахборотни ўз вақтида эълон қилиб келмоқдалар.

Мониторинг материаллари таҳлилига кўра, қонунчиликдаги ўшбу қондалар партиявий курилиш тизимида изчил амалга оширилмоқда, мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида сиёсий партияларнинг ролини кучайтиришга қаратилган кенг кўламли демократик ислохотлар жараёнида долзарб аҳамият касб этмоқда.

Муҳокама вақтида баён этилган фикр-мулоҳазаларни инобатга олган ҳолда, депутатлар сиёсий партияларнинг 2010 йилдаги ўз фаолиятини молиялаштириш манбалари тўғрисидаги ҳисоботларини маълумот учун қабул қилдилар.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ўз ваколати доирасида қиравдиган бошқа масалаларни ҳам кўриб чиқди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Матбуот хизмати.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Зеро, бу билан парламент ўз ваколатларини самарали амалга ошириши, ҳар томонлама асосли ва пухта қарорлар қабул қилиш учун зарур бўлган ўзаро мувозанат ва чекловлар тизимини яратиш, депутатларнинг доимий асосда профессионал тарзда иш олиб боришлари, қонун чиқарув-

ҲОКИМИЯТЛАР ЎРТАСИДА ЎЗАРО ТИЙИБ ТУРИШ ВА МАНФААТЛАР МУВОЗАНАТИНИНГ САМАРАЛИ ТИЗИМИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ КАФОЛАТИ

чи ҳокимият фаолиятида умумдавлат ва ҳудудий манфаатларнинг мутаносиблигига эришиш, аҳолининг мамлакат ижтимоий ва сиёсий ҳаётидаги иштирокини янада кенгайтириш учун етарли шарт-шароитлар яратилди.

Президентимизнинг бевосита ташаббуси билан ишлаб чиқилган «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (78, 80, 93, 96 ва 98-моддаларига)»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳам мана шу ислохотлар изчиллигини таъминлаш, мамлакатни модернизация қилишда парламентнинг роли ва маъсулигини оширишда янги босқинчи бошлаб беради, десак, муҳолага бўлмайди. Зеро, ушбу тузатишларда мамлакатнинг парламентининг ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришидаги ваколатлари янада кенгайтирилмоқда.

Хусусан, Конституциянинг 78-моддаси 15-бандига киритилган қўшимчага биноан, Қонун эътибори ҳамда ғамхўрлиги туфайли сиёсий партияларнинг жамиятдаги роли ва таъсири кучайди. Мамлакатимизда сиёсий партияларни молиялаштиришнинг асосий принциплари қонунийлик, очиқлик, ошқоралик ва сиёсий партияларнинг тенг ҳуқуқлилигидан иборат. Партиялар ўз аъзолари ва жамоатчиликнинг партиянинг молиялаштирилишига доир маълумотлар билан танишини таъминлаб, фаолиятларини молиялаштириш шакли ва манбалари тўғрисидаги ахборотни ўз вақтида эълон қилиб келмоқдалар.

АХБОРОТ ВА СЎЗ ЭРКИЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ЙЎЛИДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

Мажлисида 2011 — 2015 йилларда аҳолининг ҳуқуқий ва сиёсий маданиятини оширишда журналистлар иштирокини кенгайтириш, шунингдек, журналистлар ўртасида ҳар йили танловлар ўтказиш масалалари муҳокама қилинди. Сўз ва ахборот эркинлигини таъминлаш, ахборот соҳасини ислох қилиш бўйича қонунчилик муҳокамаларига йўналтирилган конференциялар, семинарлар ва давра сўхбатлари, шу жумладан, халқаро анжуманлар ташкил этиш режаси тасдиқланди.

«Ахборот эркинлиги» принциплари ва кафолатлари тўғрисида», «Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида», «Ахборотлаштириш тўғрисида», «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва бошқа қонун ҳужжатлари ижросини давлат ва ҳўжалик бошқаруви, маҳаллий ҳокимлик органларида назорат-таҳлил доирасида ўрганиш ҳамда уларнинг натижалари бўйича парламент эътизувларини ташкил этиш режалари кўриб чиқилди ва тасдиқланди.

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ахборот хизматлари фаолияти самарадорлигини ошириш ҳамда жамоатчилик билан алоқаларини такомиллаштиришга қаратилган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш чоралари ҳам атрофлича муҳокама қилинди.

Ийгилишда Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан мамлакатимизда ахборот соҳасини ислох қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш борасида қўйилган вазифалар ижросини тўлиқ амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар белгилаб олинди ва тегишли қарор қабул қилинди.

ана шу масала юзасидан ҳисоботи ҳар қандай вақтда эшитиши мумкин. Бу қоида, албатта, парламентнинг ижроия ҳокимиятга таъсири янада оширади, ҳукумат фаолиятининг шафдофлигини таъминлашда кўл келади.

Шу ўринда Конституцияимизнинг 93-моддасига киритилган қўшимчага биноан, Бош вазирга вилоятлар ҳокимлари ва Тошкент шаҳар ҳокимини тайинлаш учун Президентга тақдимома қиритиш ҳуқуқи берилганлигини таъкидлаш жоиз. Бу қоида давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш соҳасидаги ислохотлар билан ҳаммаҳалдир. Зеро, вилоятлар ҳокимлари ва Тошкент шаҳар ҳокими ўз лавозимлари бўйича жойларда ижроия ҳокимиятни бошқаради. Айни пайтда улар ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ва маданий ривожлантиришга маъсулдилар. Шу билан бир қаторда, ижроия ҳокимиятнинг фаолияти учун Бош вазирнинг жавобгар бўлиши сабабли бундай ҳуқуқнинг Бош вазирга берилиши мантиқан тўғри жараён бўлиб, ҳокимиятлар бўлиниши таъминлиги тўла мос келади.

Мамлакатимиз Конституциясининг 98-моддаси янги тахрирда

берилмоқда. Улар мазмун-моҳиятига кўра, Бош вазир лавозимига номзод кўрсатиш ва уни тасдиқлашининг янада демократик тартибини жорий қилишга йўналтирилган. Маълумки, амалдаги қонунчилик нормаларига кўра, Бош вазир номзодини кўрсатиш учун сиёсий партияларнинг Қонунчилик палатасидаги барча фракциялари билан маслаҳатла-

шувлар ўтказиларди. Конституцияга киритилган тузатишларга мувофиқ, Бош вазир номзодини кўрсатиш ҳуқуқи Қонунчилик палатасига сайловларда энг кўп депутатлик ўрнини олган сиёсий партия ёки тенг миқдордаги депутатлик ўринларини кўлга киритган бир неча сиёсий партияларга берилмоқда. Бу сиёсий партияларнинг давлат ва жамият ҳаётидаги ролини ошириб, улар ўртасидаги рақобатнинг кучайишида муҳим аҳамият касб этади.

Шу ўринда мамлакатимизда парламентга биринчи мартаба Бош вазирга нисбатан ишонсизлик вотуми билдириш ҳуқуқи ҳам жорий этилаётганини қайд этиш жоиз. Маълумки, хоржий давлатлар тахрибасида парламентнинг ҳукуматга нисбатан муносабатини белгиллочи асосий институтлардан бири ишонсизлик вотуми (лотинча votum — хоҳиш, ирода) ҳисобланади. Парламент амалиётида ҳукумат фаолиятини қўллаб-қувватлаш маслиҳат шартлида ифода этилади. Ҳукумат раҳбарига ишонсизлик вотуми билдирилиши, қоида тарихида, бугун ҳукуматнинг истеъфога қилишига олиб келади.

Таҳлиллар шуни кўрсатдики,

(Давоми. Боши 1-бетда).

БАНКЛАР САРМОЯСИ

юртимизда ишбилармонлар сафи тобора кенгайишига хизмат қилмоқда

(Давоми. Боши 1-бетда).

Таъкидландики, бугунги кунда республикамиз молия муассасалари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг хом ашё ресурсларидан кенг фойдаланишини таъминлаш мақсадида муайян ишлар олиб борилмоқда. Жорий йилда фақатгина ушбу йўналишга ажратилган кредитлар ҳажмини 1,3 баробарга ошириш ёки 3,6 триллион сўмга етказиш юзасидан амалий чоралар қўрилатгани шундан далolat беради. Шунингдек, тижорат банкларининг ҳар бир филиалининг «Тадбиркорлар хонаси»нинг ташкил этилиши ишбилармонларни банк-молия соҳасидаги янгиликлар билан тезкор таништириш имконини бериши баробарида, банк ва миқоз ўртасидаги алоқаларни мустақамлашга ҳам хизмат қилаетир.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилда тижорат банклари томонидан тадбиркорлик субъектлари, фермер ҳўжалиқларга технология ҳамда ускуналар харид қилишлари учун берилмаган кредитлар, кўрсатиладиган

лизинг хизматлари ҳажми олдинги йиллардагига нисбатан 1,5 баробар, касб-хўнар коллежлари битирувчиларини тадбиркорликка жалб этиш учун ажратилган сармояларда 2,5 баробар, чекка ҳудудларда ишбилармонликни ривожлантиришга йўналтирилган маблағлар эса 1,3 баробар кўпайтирилиши мўлжалланмоқда.

Бундан ташқари, шу кунларда Ўзбекистон Банклар ассоциацияси қошида тижорат банклари иштирокида тадбиркорлик субъектларининг бизнес-режаларига сарфланмаган маблағларни тежаш, унинг сифатини яхшилаш, кредитлар бериш муҳдатларини қисқартириш учун Инвестиция лойиҳа ҳужжатлари тайёрлашни молиялаштириш жамғармаси ташкил этилмоқда.

«Микрокредитбанк» мана, беш йилдирки, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлашга ихти-

сослаштирилган ташкилот сифатида фаолият юритиб келмоқда. Утган вақт мобайнида бу банк томонидан мазкур соҳага 343,5 миллиард сўм миқдорда микромолиявий хизматлар кўрсатилиб, бунинг эвазига республикамиз бўйича 300 мингга яқин янги иш ўринлари яратилди.

Банк мутахассислари айни кунларда жорий йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига 156 миллиард сўмлик микромолиявий хизматлар кўрсатиш, шу орқали яна 105 миңга янги иш ўрни яратиш бўйича ишлаб чиқилган чора-тадбирлар ижроси юзасидан эътиборга молик юмушларни амалга оширмоқдалар.

Тадбирда журналистлар ўзларни қизиқтирган барча саволларга мутахассислардан батафсил жавоб олдилар.

Дишлод УЛУФМУРОВО, «Халқ сўзи» мухбири.

масъулиятини кучайтиришга хизмат қилади. Конституцияга давлат ҳокимиятининг учта субъекти: давлат бошлиғи — Президент, қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлар ўртасидаги ваколатларнинг янада мутаносиб тақсимланишини таъминлаш мақсадида тузатишлар киритилганлиги муносабати билан 93-модданин 8-бандидан ижро этувчи ҳокимият девонини тузади ва унга раҳбарлик қилади, деган норма Президент ваколатларидан чиқарилмоқда.

Шунингдек, Конституциянинг 80-моддаси 6-банди ва 93-моддасининг 12-бандига киритилган ўзгаришларда Ҳисоб палатаси Раисининг тайинланиши ва лавозимидан бўшатилиши ҳақидаги Президент фармонларининг Сенат томонидан кўриб чиқилиши ва тасдиқланиши ҳақидаги қоида мустақамлашаётир. Бу Сенатнинг мулк ваколатларини янада кенгайтириб, парламентнинг назорат ваколатлари механизмларини такомиллаштиришга хизмат қилади.

Маълумки, Сенат вакилик органи бўлиб, унинг кўпчилик қисми халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашиларнинг депутатлари сифатида мамлакатимиз олий қонун чиқарувчи органида ана шу маҳаллий Кенгашиларнинг ваколатли вакиллари саналади ва уларга ҳисоб беради. Шу маънода айтганда, «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (78, 80, 93, 96 ва 98-моддаларига)»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида кўзда тутилган қоидалар ҳар бир сенаторнинг, маҳаллий Кенгашилар депутатларининг масъулиятини ошириб, жамият ҳаётидаги фаолиятини кучайтиришга замин яратлади.

С. ОРТИҚОВА, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси.

(Давоми. Боши 1-бетда).

БОЛИБЛАР ТАНЛОВНИНГ РЕСПУБЛИКА БОСҚИЧИДА ҚАТНАШАДИ

ташкил этилган иштирокчилар маҳсулотлари кўргазмаси билан яқиндан танишган киши яна бир қарра амин бўлади.

Танлов якунига кўра, Ҳўжабод туманидаги «Нил гранит» МЧЖ раҳбари Абдуваҳод Матқаримов «Энг яхши тадбиркор», Бўз туманидаги «Тошбоёқ Яхшибой» фермер ҳўжалиги раҳбари Ёркинбой Тошбоев «Энг яхши фермер», Андидижон шаҳрилик бешиксоз Дилмурод Эшманов «Энг яхши хўнарманд» деб топилди.

Ҳўжабод туманидаги «Нил гранит» МЧЖ раҳбари Абдуваҳод Матқаримов «Энг яхши тадбиркор», Бўз туманидаги «Тошбоёқ Яхшибой» фермер ҳўжалиги раҳбари Ёркинбой Тошбоев «Энг яхши фермер», Андидижон шаҳрилик бешиксоз Дилмурод Эшманов «Энг яхши хўнарманд» деб топилди.

Ҳўжабод туманидаги «Нил гранит» МЧЖ раҳбари Абдуваҳод Матқаримов «Энг яхши тадбиркор», Бўз туманидаги «Тошбоёқ Яхшибой» фермер ҳўжалиги раҳбари Ёркинбой Тошбоев «Энг яхши фермер», Андидижон шаҳрилик бешиксоз Дилмурод Эшманов «Энг яхши хўнарманд» деб топилди.

О. ШОДМОНАЛИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ТОШКЕНТ шаҳри.

Кўрик-танловнинг шаҳар бошқичида тадбиркорлик ва хўнармандчилик соҳасида янги-янги номлар кашф этилди. Бу мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожига қаратилган эътибор салмоқли самаралар бераётганининг яна бир далolatидир. Унда туман бошқичларида ғолиб бўлган 22 нафар ишбилармон ўзларининг бор маҳорат ва истеъодларини намоиш қилдилар.

Адолат мезонлари остида кечган танлов якунига кўра, Олмазор туманидаги «Этьқод» хусусий корхонаси раҳбари Абдугани Каюмов «Энг яхши тадбиркор» номинацияси бўйича ғолиб бўлди. Бектемир тумани вакили Камолiddин Абдуллаев эса «Энг яхши хўнарманд» деб топилди.

С. МАХСУМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

КЎҶНА ВА БОҚИЙ ШАҶАР

Истиқлол йилларида Бухоро улкан ўзгаришлар ва юксалиш заминига айланди.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Дарҳақиқат, мустақиллик шарофати билан қадимий шаҳар яна дунёга юз тутди. Бухоронинг асрлар оша салобат тўкиб турган обидалари, табарруқ қадим-жолари бевосита Президентимиз ташаббуси билан таъмирланди, обод манзилларга айлантирилди. Қадимий шаҳарнинг 2500 йиллиги муносабати билан қадимий Арк қалъаси, Пойи Калон мажмуи, Улуғбек мадрасаси ва бошқа кўплаб тарихий ёдгорликлар таъмирдан чиқарилди. Бугун сўлим

Лабиҳовуздан нилий гумбазли қадимий тоқлар оралаб то Арк қалъасига қадр пиёда кезиб ўзини худди эртақдагидек сезаётган хорижлик сайёҳларни, Бухоро қадимжолари сари ошқабетган зиёратчиларни кўриб, кўнгил шукроналикка тўлади.

— Музейимиз истиқлол туфайли халқимизнинг бой маданий мероси жамланган чинакам масканга айланди, — дейди «Бухоро» давлат музей-қўриқхонаси директори ўринбосари Карим Рустамов. — Бу ердаги осориатикалар ўзининг ноёб ва

ўзига хослиги билан сайёҳларнинг катта қизиқишига сабаб бўляпти. Музейимизни ҳар йили юз миң нафардан зиёд чет эллик сайёҳ келиб томоша қилаяпти.

Шажарда ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш, бунёдкорлик ишлари давом этаяпти. Қарийб йигирма йил ичида бу ерда ўнлаб маданий-маиший объектлар қад ростлади, кенг ва равоқ кўчалар, хиёбону бог-роғлар барпо этилди. Замонавий меҳмонхоналар, тиббиёт марказлари, савдо мажмуалари шаҳар кўригига кўрк қўшди. Еш авлоднинг ҳар томонлама баркамол вояга етишини ўйлаб қурилган кўркам спорт иншоотлари, лицей ва коллеж бинолари айтмай-сизми?!

— Бухоро давлат университети қошидаги 1-академик лицейда таҳсил олаётган, — дейди ўзини Гулбахор Жололова дея таништирган қиз. — Билмасанми замонавий бинода жойлашган. Фан кабинетлари, ахборот-ресурс маркази

тўлиқ жиҳозланган. Бизнинг алоқимиз, орзу-ниятларимизнинг ушалиши учун ғамхўрлик кўрсатган Президентимиздан миннатдоримиз. Келажақда она-Ватанамизга муносиб фарзанд бўлиб етишамиз, албатта.

Айтиш жоизки, Бухоро шаҳрининг ижтимоий-иқтисодий ҳаётида ҳам улкан ўзгаришлар юз бераётир. Масалан, ўтган йилда бу ерда sanoat маҳсулотлари ишлаб чиқариши 2009 йилдагига нисбатан 139,5 фоизни, халқ истеъмолчи моллари ишлаб чиқариши 101,3 фоизни, пуллик хизмат ҳажми 119,5 фоизни ташкил этди. Бултур жами лойиҳа қиймати 5,2 миллион долларга тенг инвестиция ўрнатилди, шунинг ҳисобидан 208 та иш ўрни яратилди. Ташқи савдо айланмасида экспорт улуши мос тарзда 99,2 фоизга кўпайди. Утган йилда 38 та ўрнинг 75 та сервис ва хизмат кўрсатиш шохобчаси яратилиб, 270 та иш ўрни ташкил этилди. Корхоналар томонидан олти турдаги маҳаллийлаштирилган маҳсулот ишлаб чиқарилиб, унинг йигирма миллиард сўмликдан зиёди ички бозорга етказиб берилди. Тадбиркорлик субъектларига 328,4 миллион сўм миқдорда кредит маблағлари ажратилди.

«Бухородек табарруқ заминда яшаш ҳар бир фуқаро учун ҳам фахр, ҳам улкан масъулиятдир», деган эдилар Юртбошимиз. Бухороликлар ушбу сўзлар ма-



зани қакиб, ободончилик, бунёдкорлик ишларини авж олдиришмоқда. Мана, икки ойдириб, кўкаламзорлаштириш юмушлари давом этапти. «Ҳар бир кишига йигирма тул ниҳол» ишори остида йўл бўйлари, хиёбонлар атрофларига мевали ва манзарали дарахт кўчатлари ўтказилаяпти, гулзорлар барпо этилмоқда. Шаҳардаги «Истиқлол боғи», Фитрат боғи, маданият ва истироҳат боғи ободончилик, яратувчанлик туфайли янада кўркамлашмоқда. Лабиҳовузд бўйида, қадимий дарвозалар атрофида, шаҳарнинг ҳар бир кўча, хиёбонида бунёдкорлик ишлари олиб боришмоқда. Узининг илму маърифати, донишмандлиги, осориатикалари билан жаҳон назарига тушган Бухоро Наврўз шукӯй кезиб юрган шу кунларда янада обод бўлаётир. Ахир «Юрт ободлиги — кўнгил ободлиги» дея бежиз айтишмаган.

Ҳовлимиз янги боғ — «Кўҳна ва боқий Бухоро» маданий марказининг шундоқ якунида жойлашган. Ҳар тунда шу обод ва чароғон масканга қараб бир олам завқ оламан. Монумент атрофидаги анвойи гуллар, ниҳоллар, кўм-кўк майсаларни кўриб, юрак шодланади. Ажабо, бу ернинг ҳавоси ҳам бўлакча: тўйиб сипқорганин сайин роҳатланасан, киши. Бир маҳал қарасам, осмондаги хилло монумент тепасида ўз ёғдусини таратаяпти. Атрофдаги озулаб чироклар ойга қўшилиб, «Кўҳна ва боқий Бухоро» осмонда балқийтир. Бу башарият осмонда ойдек балқиб турган азим Бухоронинг эртаси янада нурафшон, чароғон кечилишига ишорадек туюлади.

Тошпўлат АҲМАД, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлими маъсул котиби. Шомурот ШАРАПОВ олган суратлар.



ЎЗБЕКИСТОН МЕТАЛЛУРГИЯ КОМБИНАТИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

серури
республикамизнинг
қўш маънавият хазинаси
ома-табъимизнинг
киллигини,
заминни
раҳми бўлгани
қўшма ёш наваброн

НАВРЎ АЙЁМИ

бизни
сизнинг
муҳаббатид
танда!



Ҳаёти баҳрам
ҳар бир қандайдан
шайхона-шайхона,
файзу берган,
қўшма-сочилан
омаб қилган!

Гуллаб-яшнаётган
Ботиланга
парвардига
бўлган аманга
ошардига
қўш қилганда
омаб ёш бўлган!

«ЎЗБЕННЕФТГАЗ»



UZBEKNEFTGAZ

МИЛЛИЙ ХОЛДИНГ КОМПАНИЯСИ ЖАМОАСИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорига,
Ўзбекистон ёшлар оқсоқоли бўлиш

НАВРЎ ОЙИ

Бизни сизнинг муҳаббатидан танда!

Энг ақибда қилган

қўшма-сочилан берган, маънавиятнинг

шайхона-шайхона бўлган аманга

ошардига қўш қилганда

омаб ёш бўлган!



АЗАЛИЙ АНЪАНАЛАР ТАРАННУМИ

Халқимиз Наврўзни янги кун, янги йил, тинчлик ва осойишталик, бунёдкорлик, яратилиш, ободчилик, хайр-саховат байрами сифатида қадрлайди. Наврўз баҳона ён-атроф саранжом-сарийта қилинади, ораста бўлади, ҳашар уюштирилиб, бог-роғлар барпо этилади.

сўрайди. Сумалак сайли қишлоқдошлар, маҳалладошлар, барчани ҳамжиҳатликка, иноқликка чорлайди.

Қарши шаҳридаги кўп қаватли уйларда ҳам сумалак сайли билан боғлиқ байрамлар, ўзига хос анъанавий тадбирлар кўни-қўшничилик муносабатларининг янада мустаҳкамланишига ёрдам бермоқда. Бунда уйбошилар, маҳалла фаоллари, шунингдек, ширкат ходимлари ташаббускор бўлишмоқда.

— Кўп қаватли уйда яшаганимиз боис эрталаб ишга кетиб, кеч қайтамиз, — дейди Қарши шаҳридаги Геолог маҳалласида яшовчи Роҳила опа Юлдошева. — Дам олиш кунлари ҳам уй ишлари билан банд бўлиб ташқарига чиқмаймиз. Аммо ҳар йили баҳор келиши билан йиғилиб, сумалак пиширишни барчамиз интиқиб кутамиз. Чунки азалдан эзгулик, тўкин-сочинлик, сийҳат-саломатлик рамзи сифатида улуғландиган муборақ таом — сумалак атрофида барча қўшнилар йиғилиб, бир-бирларига эзгу тилаклар билдиришади, сумалак пишираётган онахонларимиз қадимги халқ қўшиқлари, байту газаллар ва ривоятлардан айтиб, даврага файз киритадилар.

...Тонг отди. Курьон тиловат қилиб, юзларига фотиҳа торган қайвони момолар сумалак юзидagi матони очишади. Димоққа бу илоҳий таомнинг хуш ифори урилади. "Фаришталар чизиб кетган" белгиларни кексалар эзгуликка, йилнинг яхши келишидан далолатга йўйишади.

Аҳод МУҲАММАДИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ва атроф-муҳитни ободонлаштириш ишлари давом эттирилмоқда.

Айтишларича, баҳорда етти марта сумалак еган киши йил давомида касал бўлмас эмиш. Зеро, кўча ва маҳаллаларда биргалашиб дошқозонда пиширилган

Наврўз нафаси

сумалак билан қариялар, ногирон ва ёлғиз кишилар йўқланади.

Наврўз байрами олдидан вилоятдаги қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинларида, Қарши шаҳридаги уй-жой мулкдорлари ширкатларига қарашли кўп қаватли уйларнинг атрофида сумалак сайли тадбирлари бошлаб юборилди. Кўчалар, хондонларда дошқозонлар осилиб, сумалак пиширилмоқда. Хар йили бўлганидек, бу йил ҳам Наврўз байрами кунлари 612 та қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинида кўкларнинг ана шу тансиқ таоми тайёрланиб, энг аввало, кам таъминланган оилаларга тарқатилади.

— Сумалак — ҳосиятли таом, — дейди Қарши шаҳридаги Каманди маҳалласида яшовчи 84 ёшли Бека момо Алмардонова. — Чунки уни пишираётган ҳар бир киши фақат яхши ният қилади, орзу-хавасларига етказишни Яратгандан астойдил

Наврўз умумхалқ байрами Қашқадарё вилоятида Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили мазмун-моҳияти билан ҳамроҳанг тарзда нишонлаш учун пухта тайёрларлик кўрилмоқда. Шу муносабат билан вилоятда олиб борилаётган ободонлаштириш ва кўкларамзорлаштириш ишлари Наврўз байрами тадбирларига уйғунлашиб кетди.

— Баҳорнинг дастлабки кунидан бошланган ободонлаштириш ва кўкларамзорлаштириш тадбирлари доирасидаги ҳашарларда барча маҳалла фаоллари ҳамда шаҳарликлар вилоятимиз худудини янада гўзал ва обод қилиш учун астойдил бел болаган, — дейди "Маҳалла" жамғармаси вилоят бўлимининг раиси Долли Аллаев. — Қарши шаҳри ҳамда туманлардаги барча маҳаллалар, марказий кўчаларда айни пайтда теваарак-атрофни тозалаш, ариқлар ва сув йўлларини тартибга келтириш, дархат кўчатлари ўтказиш қизғин бормоқда. Вилоят бўйича бу йил 18 465 мингдан ортиқ кўчат экиш вазибаси белгиланган. Ҳозиргача 10 миллион 500 мингдан ортиқ мевали ва манзарали дархат кўчатлари ўтказилди. Шаҳардаги 62 та маҳалла фуқаролар йиғинларида кўп йиллик дархатларни оқлаш, тагини юмшатиш

«АҚЛ ГИМНАСТИКАСИ» УСТАЛАРИ ТОШКЕНТДА БЕЛЛАШАДИ



Эртага пойтахтимиздаги Марказий офицерлар уйида ўзбекистонлик биринчи гротмейстер Георгий Аъзамов хотирасига бағишланган "Тошкент-Оупен" V халқаро турнири бошланади.

Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда Республика шахмат федерацияси ҳамкорлигида ўтказилаётган мукофот жамғармаси 20 минг АҚШ долларига тенг бўлган мазкур анъанавий мусобақада мезбонлардан ташқари, Россия, Украина, Исроил, Грузия, Арманистон, Индонезия, Афғонистон, Қозғоғистон

Халқаро турнир

Тожикистондан келган 100 нафарга яқин «ақл гимнастикаси» усталари голиблик учун донна суришади.

Мамлакатимизда бу қадимий ақл-идрок ўйини доимо эъзозлаб келинган, — дейди Ўзбекистон шахмат федерацияси ижрочи директори Абдуқаҳор Абдуқолиқов. — Айниқса, истиқлол йилларида Президентимиз томонидан спортни, жумладан, шахматни ривожлантиришга кўрсатилаётган ғамхўрлик туфайли мамлака-

тимизда ўзига хос шахмат мактаби шаклланди. Вакилларимиз турли нуфузли халқаро турнирларда доимий равишда совриндорлар сафидан жой олишмоқда. Тошкентда бешинчи бор ташкил этилаётган ушбу нуфузли мусобақада дунё шахмат рейтингда юқори ўринларни эгаллаб турган Евгений Алексеев, Максим Туров, Виталий Цешковский (Россия), Евгений Мирошниченко, Юрий Кузубов (Украина), Михаил Роиц (Исроил), Михаил Мчед-

лишвили (Грузия), Тигран Петросян (Арманистон), Мегаранто Сусанто (Индонезия) каби тажрибали шахматчилар иштирок этиши кутилмоқда. Мусобақада Антон Филиппов, Алексей Барсов, Жўрабек Ҳамроқулов, Андрей Квон, Владимир Егин, Ольга Собирова, Нафиса Мўминова, Юлдуз Ҳамроқулова, Нодира Нодиржоннова каби тажрибали шахматчилар билан биргаликда бир қатор умидли ёшларимиз ҳам юртимиз шарафини ҳимоя қилишади.

дан зафар кучиб, жаҳон чемпиони деган шарафли номга сазовор бўлди. Утган йили Хитойнинг Гуанчжоу шаҳри мезбонлик қилган XVI ёғи Осиё ўйинларида ҳам шахмат бўйича Ўзбекистон терма жамоаси муваффақиятли иштирок этди.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Азиз ватандошлар!

Ўзбекистон халқини баҳор ва янгиликлар байрами — Наврўз билан қутлаймиз!

Барчага бахт, сийҳат-саломатлик ва омонлик тилаймиз.



МАДАНИЯТ хабарлари

Тошкент Фотосуратлар уйида "Гўзаллар ичра гўзал" деб номланган кўргазма очилди.

«Гўзаллар ичра гўзал»

Ундаги расмларда ифода этилган аёллар сиймоси жозибadorлиги, энг асосийси, нафосати билан эътиборни тортади. Айниқса, Анзор Солижонов, Султонбой Дехқонов, Абдуғани Жумаев асарларида бугунги кун аёли, унинг оиладаги, жамиятдаги ўрни ўзига хос тарзда акс эттирилган.

Шунингдек, кўргазмадан "Tashkent Ale" халқаро фотобиенналесиди иштирок этган хорижлик фоторассомлар Артём Шульга, Янош Эйферт ва бошқаларнинг асарлари ҳам ўрин олган.

Суннат АСТАНОВ.

Тасвирларда Ватан манзаралари

Фаргона вилояти ўлкашунослик музейида ранг-тасвир устаси Леонид Панченко асарлари кўргазмаси ташкил этилди.

Бутун умрини Фаргона заминиди ўтказган рассомнинг аксарият иҳод намуналари водийнинг бетакор манзаралари, захматкаш одамлари ҳаёти талқинига бағишланган. Айтиш кераки, рассомнинг 600 дан зиёд суратлари ранг-тасвир санъати ихлосмандларига яхши таниш.

Леонид Панченконинг бир асрлик юбилеи муносабати билан ташкил этилган мазкур кўргазма бир ой давом этади.

Набижон СОБИРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

«ЎЗКИМЕСАНОАТ»

ДАВЛАТ АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

республикамиз кимёгарлари номидан Ўзбекистон халқини ҳамда мамлакатимиз маҳмонларини кўхна ва ҳамнаш навқирон байрамимиз —

Наврўзи олам

билан муборақбод этиб, барчага баҳорий кайфият, тинчлик-котирижамлик, мустаҳкам соғлиқ тилайди!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИШИҚ ВАЗИРЛИГИ ХИЗУРИДАГИ БЮДЖЕТДАН ТАШҚАРИ ПЕНСИЯ ЖАМҒАРМАСИ РЕСПУБЛИКА ТИЗБИ-НАТТИМОНИ ЭКСПЕРТИЗА ИНСПЕКЦИЯСИ

ПЕНСИЯ САВДОЛАРИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

Пенсия савдолари тартиби:

- 1-қўл — 119 000 сўм, 2-қўл — 119 000 сўм, 3-қўл — 119 000 сўм.
- 4-қўл — 119 000 сўм, 5-қўл — 119 000 сўм, 6-қўл — 119 000 сўм.
- 7-қўл — 119 000 сўм, 8-қўл — 119 000 сўм, 9-қўл — 119 000 сўм.
- 10-қўл — 119 000 сўм, 11-қўл — 119 000 сўм, 12-қўл — 119 000 сўм.

Пенсия кўпайтириш ва қисқартириш:

- 1-қўл — 119 000 сўм, 2-қўл — 119 000 сўм, 3-қўл — 119 000 сўм.
- 4-қўл — 119 000 сўм, 5-қўл — 119 000 сўм, 6-қўл — 119 000 сўм.
- 7-қўл — 119 000 сўм, 8-қўл — 119 000 сўм, 9-қўл — 119 000 сўм.
- 10-қўл — 119 000 сўм, 11-қўл — 119 000 сўм, 12-қўл — 119 000 сўм.

Пенсия олиш тартиби:

- 1-қўл — 119 000 сўм, 2-қўл — 119 000 сўм, 3-қўл — 119 000 сўм.
- 4-қўл — 119 000 сўм, 5-қўл — 119 000 сўм, 6-қўл — 119 000 сўм.
- 7-қўл — 119 000 сўм, 8-қўл — 119 000 сўм, 9-қўл — 119 000 сўм.
- 10-қўл — 119 000 сўм, 11-қўл — 119 000 сўм, 12-қўл — 119 000 сўм.

Россия линолеуми

Тел.: 234-48-11.
Факс: 234-49-58.

«МЕҲРИ САВДО» ШУЪБА КОРХОНАСИ

2011 йилнинг II чорағида қўйидагиларни сотиб олиш бўйича тендер ўтказилишини эълон қилади:

сариф, 1-категорияли музлатилган мол гўшти.

Тендер таклифларини топшириш ва тендер ҳужжатларини олиш учун ҳар кун соат 9.00 дан 17.00 гача қўйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин:

100000, Тошкент шаҳри, Мирзо Улўғбек тумани, Ниёзбек йўли 7-тор кўчаси, 27-уй.
Тел.: (8-371) 237-14-94, 237-45-15. Факс: 237-14-92.

Тендер таклифларини қабул қилишнинг сўнги муддати — 2011 йил 29 март соат 17.00 гача.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти жамоаси лойиҳа раҳбари Баҳром Умаровга волидаи муҳтарамаси

ТОШБИБИ аянинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Ўзтрансгаз» акциядорлик компаниясининг «Автогазтаъминот» шўба корхонаси жамоаси корхона кадрлар бўлими бошлиғи

Дилором Тўхтабеевна МАМАДАЛИЕВнинг вафоти муносабати билан марҳуманинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Халқ сўзи Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 303. 78776 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибиат 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.

Тахририятга келган кўлемлар тақрир қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас.

Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Ж. Тоғаев ва М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Тижорат материал

«Шарқ» наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 02.55 Топширилди — 03.45

МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орпено.
Навбатчи муҳаррир — У. Файзиёва.
Навбатчи — М. Охунова.
Мусахҳиҳ — Ш. Машраббеов.